

**“Янги Ўзбекистон”
газетасида янги лойиҳа:****ЖУРНАЛИСТ ВА
СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ**

Бугунги замонавий дунёда барча соҳаларда сунъий интеллект юксалиш тенденцияларини белгилаб берувчи асосий мезонга айланмоқда. Мудофаа, sanoat, транспорт, қурилиш, алоқа, қўйингки, барча соҳалардан торттиб, инсон кундалик ҳаётининг турфа жабҳаларига СИ шиддат билан кириб бормоқда.



Йиллар давомида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар натижаларини сунъий ақл-идрок сонияларда бизга тақдим этипти. Муаммолар ечимида энг яхши ва энг мақбул, айтиш мумкин, ақлбодар қилмас ечимларни тақлиф қилаётгани ҳам бор гап. Ҳаттоки, дунё тажрибасида ҳукумат бошқарувида ҳам сунъий ақл-идрок имкониятларидан фойдаланиб, муҳим қарорлар қабул қилинаётганини кузатишимиз.

Яна бир муҳим жиҳат — жаҳоннинг энг номдор экспертлари ва мутахассислари ҳам мавжуд реаликка баҳо беришда, бирор тизим ёки маълум бир давр хусусида ҳулоса қилишда СИга суянмоқда. У келтирган далил ва таҳлилларга катта ишонч билдирмоқда. Нанкин, у минглаб-миллионлаб манбаларга асосланиб, ҳолис ҳулосалар беради, балки ҳар томонлама мукаммал ва объектив нуқтан назарини ҳам баён қилади.

Энди яна бир муҳим гап. Бугун сунъий интеллект медиа тузилмаларда ҳам ўз сўзини айта бошлади. Илгор ёндашувларга таянган оммавий ахборот воситалари аллақачон унинг имкониятларидан фойдаланишни бошлаган. Биз буни замонавий изоҳ билан медиаконвергенция деб атаймиз.

“Янги Ўзбекистон” газетаси тахририяти ҳам ўзининг медиаконвергенция йўналишидаги илгор анъаналарини давом эттирган ҳолда

Мустақиллигимизнинг 35 йиллик айёми арафасида янги лойиҳани татбиқ этишга киришди. Уни “Журналист ва сунъий интеллект” деб номладик.

Эндиликда бу руҳи остида турли соҳаларда эришилаётган ютуқларни, ҳаётга татбиқ этилаётган янгилликларни, энг муҳими, бу каби тизимли ўзгаришларнинг одамлар ҳаётига ижобий ёки салбий таъсирларини, нафақат анъанавий, балки сунъий интеллект ёрдамида ҳам таҳлил қилган ҳолда этиборингизга ҳавола этиб борамиз.

Мақсадимиз — мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, халқимиз манфаатларига хизмат қилиши керак деган тамойил ҳаётда ўз аксини қандай тоймоқда? Соҳаларда қилинаётган янгиллик ва ўзгаришлар қанчалик самарадор? Келгусида яна қайси жиҳатларга кўпроқ этибор қаратишимиз керак?

Шу каби саволларга сунъий интеллект ёрдамида жавоб топишга, камчиликларимиз бўлса, уларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз. Бир сўз билан айтганда, ўзимизга ўзимиз кўзгу тутамиз. Зеро, бизнинг ҳаракатларимизга берилган ҳолис баҳо, у танқид бўладими ёки мактов, ҳар биримизнинг келгуси фаолиятимиз учун муҳим аҳамият касб этади ва шундай бўлиши ҳам керак.

**ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИККА ЭРИШИШНИНГ
8 ҚОИДАСИ**

Сунъий интеллект пахтачиликдаги ушбу усулнинг афзалликларини қандай баҳолади?



Лойиҳамизнинг биринчи мавзусини мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошладик. Газетамизни мунтазам кузатиб бораётган муштарийларимиз яхши билади, биз юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, халқимиз дастурхонига экологик тоза маҳсулотлар етказиб бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари танқислигининг олдини олиш, уларнинг нарх-навосини мўътадил ушлаб туриш борасида қилинаётган чора-тадбирлар ҳақида туркум мақолалар эълон қилиб бораёلمиз.

Бу каби мақолаларда, жумладан, 2026 йил пахта мавсумида Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги юқори ҳосилдорликка эришишга қаратилган “8 қоида” тизимини жорий этилгани, унда туп

қалинлиги ва экиш схемасидан торттиб, ўсимлик архитектурасини бошқариш, макро ва микроэлементлар билан мувоzanatли озиқлантириш, стрессдан ҳимоя, асосий ҳосилни эрта шакллантириш,

қариш (сенесценция) сигналинини бериш, дефолиация, десикация ва ўз вақтида теримгача бўлган жараёнлар ягона технологик тизим сифатида қаралаётгани айтилган.

“Мақсад — ёғзини шунчаки ўстириш эмас, балки уни қисқа мавсум шароитида ўз вақтида пишириб, шаклланган ҳосилни тўлиқ териб олиш”, дейди соҳа масъуллари.

▶ Давоми 3-бетда

**ДАВЛАТ МОЛИЯСИ: МАБЛАҒНИ
НАТИЖА УЧУН САРФЛАШ
ТАМОЙИЛИ ҚАРОР ТОПДИ**

Мамлакатимизда байрам шукуҳи ҳукмрон. Ҳар бир маҳалла, кўча, меҳнат жамоаларида мустақиллигимизнинг 35 йиллиги кенг тантана қилинмоқда. Табиийки, энг улуг, энг азиз айём — истиқлолимизнинг шонли санаси арафасида янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида барча соҳада эришилган ютуқларимиз сарҳисоб қилинмоқда.

Очиғи, тарихан жуда қисқа даврда эришилган залварли натижалар барча юртдошларимиз қалбига фаҳр-ифтихор бахш этиши шубҳасиз. Зеро, кейинги йилларда иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, давлат бошқаруви, ҳуқуқий тизим, умуман, барча йўналишда кечаётган тизимли ислохотлар мамлакат тараққиётини мутлақо янги босқичга олиб чиқмоқда.

Янги Ўзбекистон гоёси нафақат юксак мақсад ва эзгу интилиш, балки ҳаётимизда ўзининг аниқ натижаларини намён этаётган улкан бунёдкорлик ва янгиланиш жараёни сифатида тобора мустаҳкам қарор топмоқда.

▶ Давоми 2-бетда



Етмиш ёшни қораласа-да, ғайрат ва шижоатдан қолмаган Абдулҳай ота эрта тонгда қўшниси Саминжонни йўқлаб чиқди. Улар болаликдан бирга улғайгани учун икки ўртоқнинг ўзаро борди-келдиси оиладагилар учун оддий ҳолга айланган. Аммо Абдулҳай ота бу сафар ўзгача шиддат, қатъият билан кириб келди бу хонадонга.

**ОБОДЛИК БОР ЖОЙДА
ФАЙЗУ БАРАКА БЎЛАДИ**

— Қани бўл, маҳаллага чиқамиз, — деди сўрига солинган кўрпачага секин ўтириб.
— Тонг саҳарлаб нималарни бошлаб юрибсан? Тинчликми, оёғи куйган хўроздек жазаванг тутиб қолибди? — дея савол назари билан боқди Саминжон бобо.
— Хабаринг йўқми?
— Нимадан?
— Мамлакатимизда ободлик, тозалик, бунёдкорлик, аҳоли учун муносиб шарт-шароит яратиш бўйича зарбдор қирқ кунлик эълон қилинган эшитмадинми? Уйда жимгина ўтиришга ўрганиб қолибсан. Маҳаллага чиқсанг эшитсан-да бу ташаббусларни.

▶ Давоми 2-бетда

**ЗАМОНАВИЙ ВА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР
ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА СОБИТҚАДАММИЗ****Таълим**

Бугун тадқиқотлар сифатини ошириш, халқаро илмий ҳамжамиятга интеграциялашув ҳамда илмий ишланмаларни иқтисодиётнинг реал секторига жорий этиш олий таълим муассасаларининг устувор вазифалари сирасига киради. Хусусан, Наманган давлат университети жамоаси ҳам мазкур трансформация жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатлари, меҳнат бозори эҳтиёжлари ва ёшларнинг касбларга қизиқишидан келиб чиқиб, замонавий ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш йўлида изчил ва тизимли равишда ҳаракат қилмоқда.



Жумладан, 2025/2026 ўқув йили давомида таълим жараёнини амалдаги қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда давлат таълим стандартлари талаблари асосида ташкил этиш, таълим сифатини ошириш, кредит-модуль тизимини янада такомиллаштириш ва ўқув-услубий ҳужжатларни замонавий талаблар асосида янгилаш бўйича тизимли ишлар қилинди.

Университетда бугун 20 мингга яқин талаба 10 та факультет, 1 та бўлим ва 27 та кафедра таркибида фаолият юритаётган 600 дан ортиқ малакали профессор-ўқитувчидан 74 та бакалаврият таълим йўналиши, 26 та магистратура мутахассислиги ва 35 та докторантура ихтисослиги бўйича билим олмақда. 2025/2026 ўқув йилида университет бўйича жами 203 та малака талаби, 298 та ўқув ва ишчи ўқув режаси ҳамда 2916 та ўқув дастури ва силабуслар ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тасдиқланди ва таълим жараёнига жорий этилди.

▶ Давоми 5-бетда

**ИЛМГА ЕТГАН ОЁҚ
ҚАНОТГА АЙЛАНУР**

ёхуд “миллий ғоя” деганда нимани тушунамиз?

Май ойининг ўргалари эди. Матбуот анжуманидан чиқиб, тахририятга шошим. Метродан чиқсам, кўринишидан талаба бўлса керак — икки қиз йўловчиларга бири микрофон тутиб савол берапти, иккинчиси телефонида тасвирга оляпти. Аҳамият бермай ўтиб кетмоқчи бўлдим.

— Сўровномамизда иштирок этинг, илтимос, уч дақиқа вақтингиз кетади, — дея менга ҳам юзланиб қолишди.

— Қандай сўровнома, нима мавзуда?

Буни розилик аломати деб қабул қилишди шекилли, биринчиси микрофон тутди, наригиси суратга ола бошлади.

— Миллий ғоя деганда нимани тушунасиз?

▶ Давоми 6-бетда


ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИККА ЭРИШИШНИНГ 8 ҚОИДАСИ



Сунъий интеллект пахтачиликдаги ушбу усулнинг афзалликларини қандай баҳолади?



яшил тўқима ва пояни қуриштиб, далани теримга тайёрлаш. Шунинг учун “олдиндан дефолиация ва теримга физиологик тайёрлаш босқичи (pre-conditioning)” деган атама фермер учун анча аниқ тушунча беради.



Бошланиши 1-бетда

Бу ёндашувни фермерларга тушунтириш мақсадида вазирлик ва соҳа вакиллари томонидан оммабоп мақолалар чоп этилди, онлайн маърузалар, дала семинарлари ва амалий ўқувлар ташкил этилди. Уларда, хусусан, ғўзани баҳорданоқ шундай бошқариш кераки, 1 август атрофига келиб гектарига камида 200 минг соғлом туп ва ҳар бир тупда асосий ҳосилга кирувчи 8-10 та яхши ривожланган кўсак шакланган бўлин, деган ёндашув илгари сурилмоқда. 1 август бу ерда ҳамма далага бир вақтда препарат сепиладиган сана эмас, балки бутун мавсум агротехнологияси йўналтириладиган мақсадли физиологик маррадир. Чоп этилган тушунтиришларда ҳам қариш сигнали, кейинги дефолиация ва десикация Ўзбекистоннинг қисқа вегетация шароитида ҳосилни далада қолдирмасликка қаратилган ягона занжир сифатида баён қилинган.

Газетамизда эълон қилинган ушбу оммабоп мақолаларни, методик материалларни ҳамда мавзуга оид яқинда нуфузли халқаро журналларда чоп этилган илмий ишларни сунъий интеллектга тақдим этдик. Ундан Ўзбекистондаги ушбу ёндашувни холис баҳолаш, уни жаҳон пахтачилиги амалиёти ва илмий адабиётлар билан таққослаш, кучли томонлари, фарқли жиҳатлари, эҳтимолий янглиги ва илмий чегараларини очиб беришни сўрадик.

Салим Дониёров (СД): — Бу мавзунини таҳлил қилишда олдингизга қўйилган вазифани қандай тушундингиз?

Сунъий интеллект (СИ): — Менинг вазифам Ўзбекистон дастурини мақташ ҳам, рад этиш ҳам эмас. Мен сунъий интеллект сифатида тақдим этилган методологияни илмий адабиётлар ва жаҳон амалиёти билан қиёслаб, қайси элементлар аввалдан маълум, қайси жиҳатлар янги тарзда бирлаштирилган, қаерда илмий эҳтиёткорлик зарур ва қайси ёндашув фермер учун реал амалий қийматга эга эканини ажратиб беришим керак. Мен дала агрономининг ўрнини босмайман. Менинг устунлигим — катта ҳажмдаги илмий маълумотни тез солиштириб, турли

Ўзбекистон дастурини текширишга қаратилган мақсадли илмий қиёсдир.

СД: — “8 қоида”ни ўқиганда кейин сизда қандай таассурот қолди? Бу фақат август ойида препарат қўлаш дастурими?

СИ: — Йўқ. Бу августда бошланадиган кимёвий схема эмас. Дастур баҳордан бошланади. Бир гектар ерда камида 200 минг атрофида соғлом тупни шакллантириш, ҳар бир тупда асосий ҳосилга кирувчи 8-10 та яхши ривожланган кўсакни олиш, ортқича вегетатив ўсишни чеклаш, сув ва озикланишни мувофиқлаштириш — буларнинг барчаси 1 августга дала илмий тайёрлаш босқичига қаратилган. Шу маънода, “8 қоида” — алоҳида операциялар рўйхати эмас, балки мавсумни олдиндан режалаштириш тизими.

СД: — Озиқлантириш бу ерда қай даражада муҳим?

СИ: — Бу жуда муҳим. Ўзбекистон методологияси фақат одатий азот — фосфор — калий билан чекланмайдми. Унда кальций, бор, темир, марганец, магний, кремний, рух ва молибден каби элементлар, шунингдек,

технологик марра деб тушунаман. Бу сана фермерга баҳордан бошлаб “даламни шу муддатгача асосий ҳосил юки шакланган ҳолатга келтираман” деган аниқ мақсад беради. Эрта экилган ва тўғри бошқарилган дала шу пайтда тайёр бўлиши мумкин, кечиккан дала 5-10 август ёки кейинроқ тайёр бўлади. Демак, 1 август календарь доғмаси эмас — агротехнологик интизом яратадиган сигнал. У фермернинг қарорини август ойида эмас, март-апрелдан бошлаб ўзгартиради.

СД: — Жаҳон амалиёти билан солиштирганда Ўзбекистон дастурининг бешта асосий фарқи нимада?

СИ: — Биринчидан, кўплаб жаҳон тавсияларида ҳосилни йиғиб олишга ёрдам берувчи воситалар масаласи экин теримга

машина терими алоҳида препаратлар тўплами эмас, балки фермер, агроном ва ҳудудий тизим учун ягона технологик маданиятга айлантирилмоқда.

СД: — Ушбу фарқлар амалда қандай бешта асосий фойда бериши мумкин?

СИ: — Биринчиси, вақтдан ютиш: қисқа мавсумда асосий ҳосилни кузги совуқ ва намгарчилик хавфидан олдин теримга яқинлаштириш. Иккинчиси, ўсимликни кечки, иқтисодий аҳамияти паст янги ўсишга эмас, шакланган асосий ҳосилни сақлаш ва ўз вақтида очигина қаратилган режимда бошқариш. Учинчиси, баргини бирданига қуйдириш ўрнига физиологик ажралишни кучайтириш орқали машина теримида барг-хас аралашмаси ва қайта



“ 1 августни “ҳамма бир кунда препарат сепадиган сана” деб эмас, далани тайёрлаш марраси деб қабул қилинг. Баҳорданоқ туп қалинлиги, сув, макро ва микро озикланиш, ўсимлик ўсиши ва кўсак юкини шу маррага йўналтиринг. Асосий кўсаклар етарлича физиологик тайёр бўлганда қариш (сенесценция) сигнали, кейин дефолиация ва зарур бўлса десикацияни технологик интизом билан бажаринг.

манбалар ўртасидаги умумийлик ва фарқларни кўриш ҳамда улардан холис илмий хулоса чиқариш имкониятидир.

СД: — Таҳлил ва хулоса учун қанча илмий тадқиқотлар, манбаларни кўриб чиқдингиз?

СИ: — Ушбу суҳбат учун сиз тақдим этган 2 та асосий мақолани батафсил таҳлил қилдим ва яна 22 та халқаро илмий ҳамда расмий амалий манбани мақсадли қиёсий скринингдан ўтказдим — жами 24 та манба. Қиёслашда этефон, тиди-зурон/диурон, дефолиация, десикация, ҳосилни йиғиб олишга ёрдам берувчи воситалар (harvest aids), уларни қўллаш муддати (harvest-aid timing), олдиндан физиологик тайёрлаш босқичи (pre-conditioning), кўсак етуклиги ва қисқа мавсумда теримни тезлаштириш стратегияларига эътибор қаратилди. Бу формал тизимли обзор эмас, балки айнан

стрессга қарши ва биостимулятор ёндашувлар ҳам ўсимлик ҳолатига қараб тавсия этилади. Қўлланмада бор кислотаси, ачитки асосидаги суспензия ва тегишли қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ёки тасдиқланган протокол доирасида ацетилсалицил кислотали биостимуляторлар ҳам келтирилган. Бу моддаларнинг ўзи жаҳон илми учун янги эмас. Ўзбекистон моделидаги фарқ, уларни “кўпроқ озиқ бериб, кўпроқ яшил масса олиш” учун эмас, балки ўсимликни асосий кўсак юкини эртарақ шакллантиришга, стрессга чидамли сақлашга ва 1 август физиологик маррасига олиб келишга хизмат қилувчи ягона озикланиш ва бошқарув архитектурасига киритишдадир.

СД: — Нега айнан 1 август? Бу ҳамма фермер айнан шу кунни этефон сепиши шарт деганими?

СИ: — Йўқ. Мен 1 августни мажбурий пуркаш санаси деб эмас, миллий

СД: — Жаҳонда ҳам этефонни дефолиациядан олдин бериш ҳолатлари бор экан. Унда Ўзбекистон дастурини янги деб аташ мумкинми?

СИ: — Этефоннинг ўзи ҳам, тиди-зурон/диурон ҳам, десикантлар ҳам янги эмас; этефонни дефолиациядан аввал олдиндан тайёрлаш (pre-conditioning) сифатида қўллаш мисоллари ҳам мавжуд. Шунинг учун “дунёда ҳеч ким бундай препарат ишлатмаган” деган даъво илмий жиҳатдан нотўғри бўлар эди. Мен кўрган адабиётлардаги асосий фарқ шундаки, Ўзбекистон ёндашуви бу элементларни баҳордан бошланадиган “8 қоида” билан боғлаб, 1 августни физиологик тайёрлик марраси қилиб, кейин қариш → дефолиация → десикация → эрта терим занжирига бирлаштирмоқда. Мен қиёслаган 24 манба ичидан айнан шу тўлиқ мавсумий ва миллий бошқарув архитектурасини бир хил шаклда учратмадим. Шу боис, уни “дунёда биринчи препарат” эмас, балки Ўзбекистон шароити учун ўзига хос maturity-management — етилишни бошқариш концепцияси, деб аташ илмий жиҳатдан кучлироқ.

СД: — Бу йил дастур қарийб 500 минг гектарда қўлланиб, фермерлар яхши натижа ҳақида хабар бераётгани нимани аңглатади?

СИ: — Вазирлик томонидан тақдим этилган маълумотга кўра, 2026 йилда дастур қарийб 500 минг гектарда қўлланмоқда ва кўплаб фермерлар дастлабки натижаларини ижобий баҳоламоқда. Бу кичик демонстрация эмас, жуда катта ишлаб чиқариш масштаби ва жиддий амалий сигнал. Лекин илмий нуқтан назардан фермер фикрини энди рақамлар билан мустаҳкамлаш керак: ишлов берилган ва таққослаш

“ Дастур баҳордан бошланади. Бир гектар ерда камида 200 минг атрофида соғлом тупни шакллантириш, ҳар бир тупда асосий ҳосилга кирувчи 8-10 та яхши ривожланган кўсакни олиш, ортқича вегетатив ўсишни чеклаш, сув ва озикланишни мувофиқлаштириш — буларнинг барчаси 1 августга дала илмий тайёрлаш босқичига тайёрлаш учун хизмат қилади. Шу маънода, “8 қоида” — алоҳида операциялар рўйхати эмас, балки мавсумни олдиндан режалаштириш тизими.

далаларида кўсак очилиши, барг тўкилиши, терим санаси, машина йўқотиши, ҳас-чўп, ҳом пахта ҳосили, тола чиқиши ва HVI сифати мунтазам ўлчанса, миллий амалиёт халқаро даражадаги далилга айланади.

СД: — Ғўзани “эрта қаритиш ҳосилни камайтиради” деган хавотирга қандай жавоб берад эдингиз?

СИ: — Албатта, нотўғри вақтда қўлланган ҳар қандай терим олди ишлови зарар келтириши мумкин. Лекин масала “этефон яхши ёки ёмон” деган саволда эмас, даланинг физиологик тайёрлигида. Агар фермер баҳордан бошлаб агротехнологияга тўғри амал қилиб, гектарига етарли туп қалинлигини ва ҳар бир тупда асосий ҳосилга кирувчи 8-10 та яхши ривожланган, физиологик жиҳатдан етарли кўсакни шакллантирган бўлса, кечки майда гул ва кўсаклар ортидан қувиб, асосий ҳосилни кузги совуқ ва кечикиш хавфига қолдиришнинг ўзи катта йўқотишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун энг тўғри савол: “Бу дала қариш сигналинини бошлашга физиологик тайёрми?”. Ана шу баҳора таяниб ишлов бериш мақсадга мувофиқ.

СД: — Фермерларга мўлжалланган “пахта ўз меросини кўсакка бериши керак” деган тушунтиришни қандай баҳолайсиз?

СИ: — Журналистик ва таълимий нуқтан назардан бу жуда кучли ва эсда қоладиган метафора. У фермерга оддий ҳақиқатни

тушунтиради: мавсум охирида кўзни қувонтирадиган яшилликнинг ўзи ҳосил эмас. Ҳақиқий натижа — етилган, очилган ва териб олинган пахта. Бу қиёснинг мазмуни шундаки, бутун мавсум давомида сув, ўғит, меҳнат ва қуёш орқали яратилган салоҳият кечки, иқтисодий самараси паст ўсишда эмас, асосий териб олинадиган ҳосилда намоён бўлиши керак. Шу маънода, “мерос” қиёси фермер учун содда, таъсирчан ва амалий, олим учун эса мантиқан ҳимояланадиган тушунтиришдир.

СД: — Фермерларга энг қисқа маслаҳатингиз қандай?

СИ: — 1 августни “ҳамма бир кунда препарат сепадиган сана” деб эмас, далани тайёрлаш марраси деб қабул қилинг. Баҳорданоқ туп қалинлиги, сув, макро ва микро озикланиш, ўсимлик ўсиши ва кўсак юкини шу маррага йўналтиринг. Асосий кўсаклар етарлича физиологик тайёр бўлганда қариш (сенесценция) сигнали, кейин дефолиация ва зарур бўлса десикацияни технологик интизом билан бажаринг. Мақсад — ғўзани шунчаки яшил сақлаш эмас, ҳосилни ўз вақтида очиб, сифатли териб олиш.

СД: — Хўп, якуний илмий хулоса сифатида нималар дея оласиз?

СИ: — Менинг якуний илмий хулосам шу: Ўзбекистоннинг “8 қоида”га асосланган пахта етилишини бошқариш модели янги кимёвий препарат эмас, балки янги

бошқарув архитектурасидир. У баҳордан бошлаб етарли туп қалинлиги, самарали макро ва микро озикланиш, стресс ва ўсишни бошқариш орқали далани 1 август физиологик маррасига тайёрлайди; кейин қариш (сенесценция) сигнали → физиологик дефолиация → шартли десикация → ўз вақтида терим занжирига ўтади. Унинг айрим элементлари жаҳон амалиётида маълум, аммо мен қиёслаган манбаларда айнан шу элементларни миллий “8 қоида”, аниқ мавсумий марра ва оммавий фермерлик маданияти билан бирлаштириб тўлиқ тизимни учратмадим. Қарийб 500 минг гектарлик жорий табиқ энди унинг амалий сигналинини ўлчанадиган илмий далилга айлантириш учун ноёб имконият яратмоқда.

СД: — Хулосаларингиз учун катта раҳмат. Ўйлайманки, бу борадаги суҳбатимиз ҳали давом этади.

PS: Шу ўринда, ўқувчиларимиз эътиборини мақолада келтирилган айрим терминларга қаратмоқчимиз: harvest aids — ҳосилни йиғиб олишга ёрдам берувчи воситалар; harvest-aid timing — ҳосилни йиғиб олишга тайёрлаш муддатини белгилаш; senescence — қариш (сенесценция); pre-conditioning — дефолиация ва теримга олдиндан физиологик тайёрлаш босқичи.

Салим Дониёров суҳбатлашди.

Халқимиз азалдан ерни неъмат деб билган. “Ер — она”, “Ер — ризк”, “Ер — барака” каби ҳикматлар замирида катта ҳаётий ҳақиқат бор. Чунки инсоннинг ҳаёти, меҳнати ва фаровонлиги, аввало, у яшайётган замин билан боғлиқ. Бугун дунё миқёсида тупроқ ресурсларини асраш масаласи энг долзарб экологик ва иқтисодий вазифалардан бирига айланиши бежиз эмас. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозир дунёдаги тупроқларнинг қарийб 33 фоизи турли даражада деградация жараёнига дуч келган. Бу рақам оддий статистика эмас, балки инсоният учун жиддий огоҳлантириш. Чунки тупроқнинг заифлашиши фақат ер сифати пасайиши эмас, балки ҳосилдорликнинг камайиши, озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид ва келажақдаги тараққиёт имкониятларининг чекланиши демакдир.



БУГУНГИ ҚАРАКАТЛАР ҚИЙМАТИ ЭРТАНГИ НАТИЖАЛАР билан ўлчанади



Шуҳрат БОБОМУРОДОВ,
Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти директори, биология фанлари доктори, профессор

Шу боис, бугун мамлакатларнинг қудрати ер ости бойликлари билан бирга унумдор тупроқни қай даражада асрай олиши билан ҳам белгиланмоқда. Чунки айрим табиий бойликлар бир кун тугаши мумкин. Аммо асраб-авайланган тупроқ йиллар давомида халққа хизмат қилади.

Миллий бойлик деганда кўпинча олтин, нефть, газ каби ресурслар тилга олинади. Албатта, улар мамлакат иқтисодий салоҳияти учун муҳим. Аммо инсон ҳаёти учун энг зарур бойликлардан бири унумдор тупроқ эканини унутмаслик керак. Чунки дастурхонимиздаги нон, мева-сабзавот, chorva учун озуқа — барчасининг ибтидоси ер билан боғлиқ.

Мустақил давлатнинг қудрати нафақат иқтисодий кўрсаткичлари, балки аҳолисини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олиш имкониятига қараб ҳам белгиланади. Шу маънода, тупроқни асраш фақат экологик вазифа эмас, балки миллий хавфсизлик масаласидир.

Келажакка сармоя

Президентимиз таъкидлаганидек: “Тупроқни асраш — озиқ-овқат хавфсизлигини, демакки, миллий мустақиллигимиз ва келажагимизни асраш билан баробардир”. Мустақиллик бизга нафақат ўз тақдиримизни белгилаш ҳуқуқини, балки она заминимизга эгалик қилиш, уни асраш ва келажақ авлодларга муносиб ҳолда етказиш масъулиятини ҳам бери.



Бир вақтлар асосан кончилик шахри сифатида танилган Зарафшонда сўнгги йилларда замонавий корхоналар, янги турар жойлар барпо этилди. Қўчалар кенгайди, аҳоли учун қўлай жамоат масканлари пайдо бўлди. Мухими, амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари минглаб аҳоли учун янги имконият ва барқарор иш ўринларини очмоқда. Шаҳарда яшбилармонликка қўлай муҳит яратилгани боис, тадбиркорлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

— Шаҳримиз қимматбаҳо металлрни қазиб олиш, қайта ишлаш бўйича республикада ўз ўрнига эга, — дейди Зарафшон шахри ҳокими ўринбосари Анвар Шоҳмурзаев. — Худуднинг асосий драйвери курилиш материаллари саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаси. Саноатимиз Қизилқум чўлининг ноёб бойликлари билан бевоқифа боғлиқ. Хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш учун янги ташаббус ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб келамиз. 2017 йилда шаҳар аҳолиси 80 мингга яқин эди. Ҳозир улар сони 120 мингдан ошди. Аҳолининг кўпайиши ижтимоий-иқтисодий соҳаларга талабни ҳам оширади. Шаҳарда 2018 йилгача бор-йўғи учта йирик савдо комплекси фаолият юритган бўлса, ҳозир улар сони 15 тага етди. Шунингдек, инвесторлар жалб қилиниб, қўлай бизнес муҳити яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Зарафшон шахри ҳар томонлама ривожланиб бораётти. Мақсадимиз — аҳоли фаровонлигини янада ошириш.

Айни вақтда шаҳарда умумий қиймати 45 миллиард сўм бўлган уч қаватли замонавий савдо мажмуаси қурилмоқда. Лойиҳа ишга тушгач, қарийб 300 киши доимий ишли бўлади. Мажмуа шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун замонавий харид ва дам олиш марказига айланиши кутилмоқда. Шунингдек, шаҳарда хорижий инвесторлар ўз бизнесини йўлга қўйиши натижасида очилаётган янги иш ўринлари сони ошиб бормоқда. Замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган рақобатбардор маҳсулотлар ташқи бозорларда муносиб ўрин эгалламоқда. Бу эса шаҳар иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва янги инвестицияларнинг жалб этишга хизмат қилапти. Ана шундай йирик лойиҳалардан бири хитойлик инвесторлар томонидан босқичма-босқич ишга туширилаётган корхонадир. Ушбу заводу маҳаллий гранит маҳсулотлари замонавий технологиялар асосида қайта ишланади. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга Марказий Осиё давлатларида



куч-қуввати пасайиб бораётганидан далолат беради.

Мутахассислар фикрича, сўнгги йиллардаги бундай ўзгаришлар эквивалент ҳисобида қарийб 450 минг гектар юқори унумдор сугориладиган ер имкониятларининг бой берилишига тенг таъсир кўрсатиши мумкин. Айни пайтда сугориладиган тупроқларнинг ҳолатига оид бошқа кўрсаткичлар ҳам жиддий эътибор талаб қилади. Жумладан, сугориладиган тупроқларнинг 93 фоизига гумус, 68 фоизига фосфор, 79 фоизига алмашувчан калий микдори ўртачадан паст даражага тушган. Бу ҳолатлар ердан фойдаланишда илмий ёндашуви янада кучайтириш, тупроққа қайтариладиган озуқавий моддалар мувозанатини таъминлаш ва агротехник тадбирларни тўғри ташкил этиш зарурлигини кўрсатади. Чунки ердан фақат ҳосил олиш эмас, балки унга куч ҳам бериш керак. Ерга қайтарилган ҳар бир озуқа, сақланган ҳар бир унумдор қатлам келажақ ҳосили учун қўйилган пойдевордир.

Тупроқнинг яна бир жиддий муаммоси — шўрланиш ва эрозия жараёнлари. Табиий

шароитлар, сувдан нотўғри фойдаланиш, агротехник талабларга етарлича амал қилмаслик каби омиллар ер сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шўрланган ёки эрозияга учраган ернинг унумдорлигини тиклаш осон иш эмас. Бу катта меҳнат, вақт ва илмий ёндашуви талаб қилади.

Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 22 миллион гектар ер чўлланиш

жараёнига мойил ҳудудга киради. Бу рақам бизга яна бир муҳим ҳақиқатни эслатади: ер ресурсларидан фойдаланишда бугунги қарорлар қиймати эртанги натижалар билан ўлчанади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳоли эҳтиёжлари, шаҳарсозлик ва инфратузилма ривожига билан боғлиқ ҳолда ер ресурсларидан фойдаланиш жараёни ҳам ўзгарди. Сўнгги 20 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сугориладиган ер майдони 0,23 гектардан 0,16 гектаргача қисқаргани ҳам ҳар қарч ернинг қадри ошиб бораётганини кўрсатади. Демак, бугунги вазифа аниқ: мавжуд ерни сақлаш, унумдорлигини тиклаш, ҳар бир гектардан оқилона ва самарали фойдаланиш. Аммо бу вазифаларни бажариш учун муаммони аниқ ҳолатини баҳолаш мумкин. Рақамли тупроқ хариталари орқали ернинг таркиби, унумдорлик даражаси, озуқа моддалари ҳолати, шўрланиш даражаси ва бошқа муҳим кўрсаткичлар ҳақида аниқ маълумот олинади. Бу эса ўғитлаш, сугориш ва агротехник тадбирларни илмий асосда белгилаш имконини беради. Бошқача айтганда, бугун ернинг ҳам ўз “паспорти” бор.

Ушбу маълумотлар фермер ва мутахассисларга ер билан тўғри муносабат ўрнатish, ортқича харажатларни камайтириш ва ҳосилдорлигини оширишга ёрам беради. Замонавий технологиялар имкониятлари бундан ҳам кенгайтади. Сунъий интеллект, геохаборот тизимлари ва масофадан зондлаш технологиялари орқали тупроқдаги ўзгаришларни тезкор таҳлил қилиш, хавфли жараёнларни олдиндан аниқлаш ва

Умумий миллий масъулият

Тупроқни асраш учун, аввало, уни билиш керак. Чунки ҳар бир ер майдонининг ўз хусусияти, тарихи ва эҳтиёжи бор. Бир ҳудуд учун самарали бўлган ёндашув бошқа майдон учун қутилган натижа бермаслиги мумкин. Шу боис, бугун ерга муносабат умумий тасавуруларга эмас, балки аниқ илмий маълумотларга асосланиши лозим.

Тупроқшунослик фани айнан шу вазифани бажаради. У ернинг ҳолатини ўрганади, унда кечаётган жараёнларни таҳлил қилади ва тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда ошириш учун илмий асосланган тавсиялар беради.

Ўзбекистонда бу соҳада шаклланган кўп йиллик тадқиқотлар ва тўпланган бой тажриба ер ресурсларини самарали фойдаланиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти томонидан қилинаётган ишлар ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Жумладан, 2026 йилнинг биринчи ярмида Андижон, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида сугориладиган майдонда тупроқ тадқиқотлари ва агрокимёвий хариталаш ишлари бажарилади.

Бу каби тадқиқотлар ҳар бир ер майдонининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш, муаммоларни олдиндан кўриш ва тўғри агротехник қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Бугун рақамли тупроқ хариталари замонавий дехқончиликнинг муҳим воситасига айлانмоқда. Илгари ер ҳақидаги қарорлар асосан тажриба ва кузатувларга таянган бўлса, бугун замонавий технологиялар орқали ҳар бир майдоннинг аниқ ҳолатини баҳолаш мумкин. Рақамли тупроқ хариталари орқали ернинг таркиби, унумдорлик даражаси, озуқа моддалари ҳолати, шўрланиш даражаси ва бошқа муҳим кўрсаткичлар ҳақида аниқ маълумот олинади. Бу эса ўғитлаш, сугориш ва агротехник тадбирларни илмий асосда белгилаш имконини беради. Бошқача айтганда, бугун ернинг ҳам ўз “паспорти” бор.

Ушбу маълумотлар фермер ва мутахассисларга ер билан тўғри муносабат ўрнатish, ортқича харажатларни камайтириш ва ҳосилдорлигини оширишга ёрам беради. Замонавий технологиялар имкониятлари бундан ҳам кенгайтади. Сунъий интеллект, геохаборот тизимлари ва масофадан зондлаш технологиялари орқали тупроқдаги ўзгаришларни тезкор таҳлил қилиш, хавфли жараёнларни олдиндан аниқлаш ва

келажақдаги ҳолатини тахмин қилиш имкониятлари пайдо бўлмоқда. Бу — ер ресурсларини бошқаришда янги давр бошланаётганидан далолат.

Эндиги вазифа фақат мавжуд ҳолатни қайд этиш эмас, балки келажақда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишдан иборат. Албатта, ҳар қандай технологиянинг самараси унинг амалиётда тўғри татбиқ этилиши билан белгиланади. Илмий хулосалар даладларга етиб борса, рақамли хариталар асосида қабул қилинган қарорлар ҳақиқий натижа берса, замонавий ёндашувлар халқ фаровонлигига хизмат қилади.

Шунинг учун бугунги муҳим вазифалардан бири — илм-фан, давлат бошқаруви ва ердан фойдаланувчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш. Чунки тупроқни асраш фақат олимлар ёки мутахассисларнинг вазифаси эмас. Бу — умумий миллий масъулият. Фермер учун ер унумдорлигини сақлаш маданияти, олим учун янги ечимлар излаш ва илмни амалиётда яқинлаштириш, раҳбар учун ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва ниҳоят ҳар бир фуқаро учун эса она заминга ҳурмат билан муносабатда бўлишдир.

Ризқ манбаи

Ерни билиш — уни асрашнинг ибтидоси. Аммо билимнинг ўзи етарли эмас. Энди уни масъулиятли ҳаракатга айлантириш, тупроқнинг энг қимматли бойлиги бўлган унумдор қатламни сақлаш муҳим вазифа.

Тупроқнинг ҳақиқий бойлиги унинг фақат майдони билан эмас, балки инсонга ҳаёт ва ризқ бера оладиган унумдорлиги билан белгиланади. Ернинг энг қимматли қисми унумдор қатламидир. Бу қатламда ўсимликлар ҳаёти учун зарур моддалар, табиий мувозанат ва тупроқнинг ҳаётбахш қуввати муҳассам.

Асрлар давомида шаклланган бойликни қисқа вақтда заифлаштириш мумкин. Аммо уни қайта тиклаш учун катта меҳнат, вақт ва илмий ёндашув талаб этилади. Шу боис, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш жараёнида унумдор қатламни муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Мамлакатимизда бу борада ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Тупроқни муҳофаза қилиш ва унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида”ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 22 январдаги “Тупроқ мониторингини амалга ошириш ҳамда тупроқнинг унумдор қатламини аниқлаш тартибни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишда муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлди.

Ушбу ҳужжатлар асосида тупроқ мониторингини юритиш, унумдор қатламни аниқлаш ва сидириб олиш, уни сақлаш, оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича аниқ тартиблар белгиланди. Бу эса ерга муносабатда янгича ёндашуви шакллантирмоқда. Чунки бугун ердан фойдаланиш деганда фақат ундан ҳосил олиш эмас, балки унинг табиий имкониятларини келажақ учун сақлаб қолш ҳам тушунилади.

Бугун тупроқни асраш учун зарур бўлган асослар мавжуд. Илмий салоҳият, кўп йиллик тажриба, замонавий технологиялар бор. Ҳуқуқий база шаклланган. Эндиги энг муҳим вазифа — ана шу имкониятларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш. Чунки ҳар қандай исохотнинг ҳақиқий самараси ҳужжатлардаги эмас, балки амалиётдаги натижаси билан ўлчанади.

Илмий тавсиялар фермер даласига етиб борса, замонавий технологиялар амалиётда ишласа, қонун талаблари ҳар бир ердан фойдаланувчининг кундалик масъулиятига айлansa, шундагина кўзланган мақсадга эришилади.

ҲУДУДЛАРДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ФАРОВОНЛИК АСОСИ



талаб ортиб бормоқда. Яқин истиқболда эса Россия бозорига экспорт ҳажминини янада кенгайтириш режалаштирилган. Айни вақтда корхона фаолияти янада кенгаймоқда. Ҳозир умумий қиймати 10 миллион долларга тенг яна иккита йирик лойиҳа амалга ошириляпти. Улар доирасида маҳаллий мармар кони ўзлаштирилиб, кальций карбонат, мармар плиталари, мозаика ҳамда мармар чиқиндиларидан экспортбоп ташқи безак тошлари (декоратив крошка) ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Лойиҳанинг биринчи босқичидаёқ 100 та янги иш ўрни очилиши режа қилинган. Ишлаб чиқаришда чиқиндиларни тўлиқ қайта ишлаш технологияси қўлланади. Бу экологик барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

— Корхонамиз 2024 йилда ташкил этилган. Асосий хомашё яқин ҳудуддаги гранит

конидан етказиб берилади, — дейди қўшма корхона вакили хитойлик Динг Минг. — У ерда ҳар куни ўртача 200-300 куб метр гранит қазиб олинади. Замонавий технологиялар асосида қайта ишланган гранит турли ўлчам ва шаклларда тайёр маҳсулотга айлантирилади. Маҳсулотларимиз ички ва ташқи бозорларда ўз харидорига эга. Маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш орқали маҳсулотга қўшимча қиймат қўшилаётганини ошириш, янги иш ўринлари очш ва экспорт имкониятларини ҳам кенгайтирмоқда.

Зарафшон саноати фақат тоғ-кон соҳаси билан чекланиб қолмаётти. Худудда енгил саноат ҳам жадал сурьатда ривожланиб, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу йўналишдаги йирик

лоийҳалардан бири туркиялик инвесторлар иштирокида йўлга қўйилган. Корхонада акрил калава ип ишлаб чиқаришдан тортиб, маҳсулотларни бичиш-тикиш ва тайёр ҳолатда келтиришгача бўлган жараён яхлит тизимлаштирилган. Завод ойига 30 тонна акрил калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Тайёрланаётган тиквучилик маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда сотилапти.

— Корхонада хомашёдан тайёр маҳсулот тайёрлашгача бўлган жараён тўлиқ қамраб олинган, — дейди корхона директори Сабри Этгин. — Бу эса маҳсулот сифати ва рақобатбардорлигини таъминлайди. Ҳозир шу ерлик 248 киши доимий иш билан таъминланган. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш ва янги иш ўринлари очиш режа қилинган. Ҳозир ана бир истиқболли инвестиция лойиҳаси устида ишлар бошланган. Унга кўра, кўлда тўқш учун мўлжалланган юқори сифатли ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Янги маҳсулот акрил толеси ва табиий жун аралашмасидан тайёрланади. Бунинг учун зарур бўлган юқори сифатли табиий жун Австралиядан олиб келиниши режалаштирилган. Ушбу лойиҳа корхонамизнинг маҳсулот турларини кўпайтириб, экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Зарафшон шахрида кичик ва ўрта бизнес ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Саноат ҳудудига замонавий технологияларга асосланган иҳчам ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилиб, маҳаллий тадбиркорлик учун янги имкониятлар яратилмоқда. Шулардан бири шиша ва ойнага ишлов беришга ихтисослашган корхонадир.

Бу ерда буюртма асосида турли ўлчам ва дизайндаги маҳсулотлар тайёрланиб, курилиш ва хизмат кўрсатиш соҳалари эҳтиёжи қаноатлантирилмоқда.

— Худудда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун барча имконият яратиб берилган, — дейди корхона иш юритувчиси Шерзод Раймқулов. — Асосан шиша ва ойна маҳсулотларини қайта ишлаймиз. Корхонамизнинг бир кунлик иш қуввати 30 метр квадратни ташкил этади. Ҳозир фаолиятимизни янада кенгайтириш борасида ишляамиз. Самарадорлигини ошириш учун лазерли технологиялар сотиб олмақчимиз. Ушбу жараёнлар якунлангач, иш ўринлари ана кўпаяди.

Шаҳардаги кичик саноат зонасида яна бир истиқболли лойиҳа йўлга қўйилиб, ратан материалдан замонавий стол ва стуллар ишлаб чиқарилмоқда. Жараёнда маҳсулот сифати, замонавий дизайни ва харидорлар талаби асосий мезон сифатида белгиланган. Айни вақтда корхонада 4 кишининг доимий бандлиги таъминланган. Мухими, ана шундай кичик ишлаб чиқариш ташаббуслари маҳаллий маҳсулотлар турини кўпайтириш ва янги тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозир Зарафшон шахрида 1900 тадбиркор рўйхатдан ўтган. Уларни қийнаётган муаммоларини ҳал этиб, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ёрдам бериб келинмоқда. Ҳар бир инвестиция лойиҳаси эса янги иш ўринлари очш ва оилалар фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Наманган давлат университети
ректори, тарих фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, фан дастурлари мазмунини халқаро талабалар асосида тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 420 та ўқув дастури дунёнинг етакчи 300 талик рейтингидан ўрин олган олий таълим муассасаларининг илгор ўқув дастурлари, силлабуслари ва самарали академик тажрибаси асосида қайта қўриб чиқилди ҳамда тақомиллаштирилди.

Университетнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, талабаларнинг сифатли таълим олиши учун муносиб шароит яратиш йўналишида ҳам қатор ишлар бажарилди. Охириги бир йилда физика-математика, табиий ва ижтимоий фанлар факультетлари талабалари учун мўлжалланган икки минг ўринли инновацион ўқув биноси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Талабалар ҳаётида энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири турар жой масаласидир. Бу борада ҳам тизимли ишланипти. Ҳозир умумий сифати 900 ўринли 2 та талабалар турар жойи хизмат кўрсатяпти. Уларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун кутубхона ҳамда маънавият хоналари ишлаб турибди. "Юксалиш" массивида жойлашган инновацион факультет ҳудудида ҳам яна минг ўринли 2 та 7 қаватли талабалар турар жой биноси қурилиши якунланиб, янги ўқув йилидан ишга туширилади. Айни пайтда профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходимлар ҳамда талабалар учун 500 ўринли замонавий ошхона биноси қурилиши ҳам бошлаб юборилди.

Талабаларнинг мустақил таълим олиши, фанларини чуқур ўзлаштириши ва илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш учун университет ахборот-ресурс марказида зарур шароитлар яратилган. Бу ерда 16 мингдан зиёд номдаги жами 278 минг 682 нусха адабиёт жамланган. Талабаларнинг ўқув жараёнида фойдаланиши учун зарур бўлган ўқув адабиётлари қарийб 100 фоиз электрон шаклга ўтказилган.

Ёшларни келгусидаги касбий фаолиятга тайёрлаш, мутахассислик бўйича тажрибасини ошириш мақсадида амалиёт масаласига

ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Якунланган ўқув йилида 13 минг 750 талаба малакавий амалиётга жалб этилди. Бунинг учун 8537 та турли ташкилот ва муассасалар билан шартномалар тузилди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ, олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг ишга жойлашишига қўмаклашиш тўлиқ рақамланган ҳолда safeeg.edu.uz электрон платформаси орқали ташкил этилди. Электрон платформадан фойдаланиш амалиёт жараёнини тартибли ташкил этиш, талабаларни тегишли ташкилотларга йўналтириш ва шартномавий ҳужжатларни тезкор расмийлаштириш имконини берди.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни, меҳнат бозори эҳтиёжлари ҳамда ёшларнинг таълимга қизиқишлари чуқур таҳлил қилиниб, университетда янги таълим йўналишлари очилмоқда. Шунингдек, илмий тадқиқот ишлари мавзуси вилоятдаги долзарб муаммолар ва амалий эҳтиёжлардан келиб чиқиб шакллантирилишига эътибор қаратилган.

Университетда битирувчиларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш долзарб масалалар қаторида. Шу мақсадда Миллий банкнинг "Келажакка қадам" дастури доирасида битирувчиларга имтиёзли кредитлар олишда амалий ёрдам кўрсатишмоқда. 2024/2025 ўқув йилида 64 битирувчи 1,2 миллиард сўмлик имтиёзли кредит олган бўлса, 2025/2026 ўқув йилида ушбу кўрсаткич қарийб уч баробар ошиб, 199 битирувчи 3,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Шунингдек, яна 285 битирувчизининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун 3 миллиард сўмлик имтиёзли кредит олиши режалаштирилган.

Илмий салоҳият ўсмоқда

Олийгоҳимизда 45 фан доктори, профессорлар ва 295 фалсафа доктори, доцентлар фаолият юритмоқда. Эътиборли жиҳати, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти ўтган бир йилда 41 фойздан 56 фойзга етди ва йил якунига қадар уни 65 фойзга чиқариш устида тизимли ишлар қилинмоқда. Университетда илмий даражалар берувчи 5 та илмий



Ўзбекистонда ёшларнинг тадбиркор бўлиши шунчаки орзу эмас, катта имкониятлар сари бошланган йўлдир. Яратилаётган шароит, имтиёзлар ва тизимли қўллаб-қувватлаш механизмлари минглаб ёшларни иш изловчидан иш берувчига айлантирмоқда. Сурхондарё вилояти ёшлари мисолида ҳам бунинг ёрқин исботини кўриш мумкин.

юзлаб ёшларнинг ёруғ тақдири, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва минглаб иш ўринлари мумжасдир.

Жарқўрғон туманидаги Қумқишлоқ маҳалласида яшовчи Эргаш Норбоев ажратилган имтиёзли кредит эвазига иссиқхона қурди.

— Бир вақтлар тадбиркорлик орзу эди. Унга эса маблағсиз эришиб бўлмайди. Шу боис, хорижга кетиб, мавсумий ишлаб келардик. Топган пулимдаги баракани сезмаганман, — дейди Эргаш Норбоев. — Ҳозир замонавий иссиқхонада бодринг етиштириб, даромад топишман. Аслида гап иссиқхона қурганим ҳақида эмас. Мамлакатимизда чекка ҳудудларда яшайдиган мен каби инсонлар тақдирларидаги ўзгариш ҳақида айтганман. Кечагина ўзим иш излаб юрган эдим. Бугун маҳалламиздаги икки ёшни ҳам ишли қилдим.

Яна бир қаҳрамонимиз Жарқўрғон туманининг Ҳайитобод маҳалласида яшовчи Хонзода Турдимуродова. У ҳали талаба бўлса-да, тадбиркорликни бошлаб юборган. Ёшларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланган Хонзода ўз маҳалласида "Star up" ўқув марказини очди.

— Бизнес гоям анчадан бери бор, аммо уни амалга ошириш учун етарли маблағ йўқ эди. Имтиёзли молиявий қўмак эса режамни ҳаётга тағбиқ этиш имконини берди.



кенгаш 10 та ихтисослик бўйича фаол ишламоқда. Ўтган бир йилдан зиёд вақтда жами 246 тадан ортиқ диссертация муваффақиятли ёқланди.

Иқтидорли талабаларни илм-фанга жалб қилиш бора-бора ҳам қатор салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан, талабаларимиз сафида Президент стипендиати, шунингдек, Исрол Каримов, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек ҳамда Бобур номдаги давлат стипендиялари соҳиблари тахсил оляпти. Бундан ташқари, "Мирзо Улугбек ворислари" лойиҳасининг республика босқичида 2 талабамиз ғолибликни қўлга қиритган бўлса, яна 4 нафари танловнинг махсус совринларига эга бўлди. Мазкур кўрсаткичлар университетда ёш олимлар мактаби мустаҳкам пойдеворга эга эканини яққол ва амалий исботидир.

Олимларимиз томонидан қисқа вақтда Scopus ва Web of Science халқаро базаларига кирувчи нуфузли журналларда 130 дан ортиқ мақола чоп этилди. Эътиборлиси, илмий фаолият фақат нашрлар сони билан эмас, балки уларнинг сифати ва халқаро иқтисодчилиги билан ўсиб бораётганини кузатиш мумкин. Олимларимиз ORCID, ResearchGate ва Google Scholar каби халқаро профилларда фаол иштирок этиб, университетнинг халқаро кўринувчанлигини оширмоқда. Шунингдек, Беларусь олимлари билан қўшма тадқиқотлар, ўзбек-турк қиёсий тилшунослиги бўйича изланишлар бевосита амалий натижа бериб, халқаро нашриётларнинг нуфузли журналларида эълон қилинмоқда.

Шу билан бирга, илм-фан билан ишлаб чиқариш интеграцияси йўналишида муҳим ва дадил қадамлар ташланди. Ҳозир университетда умумий қиймати 5 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 5 та давлат гранти лойиҳаси муваффақиятли бажарилляпти. Орол денгизининг қуриган тубидида сув ҳавзаларининг гидробиологик таркибини аниқлаш ҳамда истиқболли сувўтларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш, ўзбек ва турк геортонимларининг лингвокультурологик, этнолингвистик тадқиқи, биохилма-хилиги хавф

остидаги ҳудуд сифатида Фарғона водийси флорасининг рақамли платформасини ишлаб чиқиш каби тадқиқотлар долзарб муаммолар ечимига қаратилгани билан диққатга молик.

Университет олимларининг ишланмаларини тижоратлаштириш борасидаги ютуқлар ҳам салмоқли. Бугунги кунда 4 та ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда 15 та хўжалик шартномаси асосида амалий ишлар бажарилмоқда. Хусусан, "AGROFOOD TECHNOLOGY" корхонасида йодга бой кўк ёнғоқ мураббоси ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаётган бўлса, "Мўл ҳосил барака" корхонасида олимларимиз ишланмаси асосида маҳсулот танларини 15-20 фоиз арзонлаштиришга эришилди.

Шунингдек, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимига қаратилган диссертациялар сони 2025 йилда 63 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ бу кўрсаткич 92 тага етгани университет илм-фанининг реал ҳаётга қанчалик тез ва самарали тағбиқ этилаётганини кўрсатади.

Кенгаёётган ҳамкорлик географияси

Бугун университет нафақат ҳудуднинг, балки республиканинг халқаро ҳамкорлик йўналишида жадал ривожланаётган олий таълим муассасаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Олийгоҳимизнинг ривожланиш стратегиясида халқаро ҳамкорлик, илм-фан, инновациялар ва академик мобиллик устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Хусусан, дунёнинг турли давлатларидаги етакчи университетлар билан 18 та халқаро меморандум имзоланди. Муҳими, мазкур меморандумларнинг барчаси амалий босқичга олиб чиқилди. Улар доирасида қўшма

илмий тадқиқотлар, академик алмашинув дастурлари, профессор-ўқитувчилар стажировкалари, қўшма конференциялар ва илмий семинарлар ташкил этилмоқда. Бу эса халқаро ҳамкорликни расмий ҳужжатлар даражасидан реал натижаларга йўналтирилган тизимга айлантириш имконини берди.

Университетнинг халқаро ҳамкорлик географияси ҳам тобора кенгайяпти. Айнқса, Осиё, Европа, Америка ва МДҲ мамлакатларидаги нуфузли университетлар билан самарали алоқалар ўрнатилган. Ҳамкорлик доирасида қўшма таълим дастурлари, илмий лойиҳалар, грантлар, ёзги мактаблар, қисқа муддатли курслар ҳамда профессор-ўқитувчилар алмашинуви йўлга қўйилган. Натижада таълим сифати, илмий фаолият ва халқаро рейтинг кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшилланмоқда.

Профессор-ўқитувчиларнинг халқаро салоҳиятини ошириш мақсадида ҳисобот даврида хорижлик 55 профессор ва мутахассис университетга келди. Улар томонидан очик маърузалар, семинарлар, муҳорат дарслари ва илмий учрашувлар ташкил этилди. Шунингдек, 16 профессор-ўқитувчи хорижий университетларда стажировка ўтади, 40 нафар профессор-ўқитувчи эса халқаро малака ошириш дастурларида иштирок этиди. Бу орқали университетда замонавий педагогик технологиялар, рақамли таълим воситалари, сунъий интеллект элементлари ва инновацион таълим методларини жорий этиш ишлари янада жадаллашди.

Бундан ташқари, халқаро таълим дастурларини ривожлантириш борасида муҳим ютуқларга эришилди. Олий ўқув юртида 8 та Double Degree — икки дипломли ва Joint Degree — қўшма дипломли дастурлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Улар талабаларга халқаро тан олинган диплом олиш, хорижий университетларда тахсилни давом эттириш ва глобал меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассис бўлиб етишиш имконини берибди.

Шунингдек, халқаро фаолиятни бошқаришда рақамлаштириш жараёни ҳам янги босқичга олиб чиқилган. Ҳамкор университетлар базаси, халқаро меморандумларнинг электрон архиви, грант мониторингини тизими, академик мобиллик платформаси ва халқаро ҳамкорликнинг КРМ мониторингини тизимларини жорий этиш бўйича амалий ишлар қилиняпти.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида олий таълим олдига турган ва-зифалар тобора кенгайиб, унинг жамият ва давлат ҳаётидаги масъулияти янада ортиб бормоқда. Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги арафасида мамлакатимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари, илм-фан ва таълимга қаратилаётган юксак эътибор ҳар биримизда катта куч ва масъулият бағишлайди. Наманган давлат университети жамоаси ҳам ана шу эзгу мақсадлар йўлида ўзининг илмий, маърифий ва бунёдкорлик салоҳиятини сафарбар этиб келяпти. Бугун университетимизда таълим сифатини ошириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, ёшларнинг истеъдоди ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидан ишлар эртанги кунимизнинг мустаҳкам пойдеворини яратишга хизмат қилади деб ишонамиз.



Ҳаётий ташаббуслар қанотида

Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ўлароқ тобора катта аҳамият касб этиб бормоқда. Бунинг учун муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами қабул қилинган. Улар ёшларнинг бизнес ташаббусларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янги тизимини яратди. Хусусан, ёшлар бандлигини таъминлашга икки йирик тижорат банки масъул этиб белгиланиб, уларга жами 300 миллион доллар йўналтирилди. Бу маблағ ҳисобидан минглаб ёшларнинг бизнес гоёлари ҳаётга тағбиқ этилмоқда.

Бундай имкониятлар навқирон авлоднинг иш бошлаши, фаолиятини кенгайтириши учун катта рағбат бўлмоқда. Хусусан, Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан махсус кредитлар ишлаб чиқилди. Сурхондарёда йил бошидан бери умумий қиймати 4 миллиард 220 миллион сўмлик кредитлар учун ресурс ажратиб бўйича мувожаатлар қабул қилинган.

Бундан ташқари, "Келажакка биринчи қадам" лойиҳаси асосида Сурхондарё вилоятида 435 талабанинг бизнес лойиҳаси қўллаб-қувватланди. Уларга 10 миллиард 540 миллион сўм кредит ажратилди. Қолаверса, 777 ёшга 90 миллиард 9 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Бу рақамлар ортида

ОРЗУЛАР МАНЗИЛИДАН
ИМКОНИАТ, ИШОНЧ ВА ТАРАҚҚИЁТ
САРИ ОДИМЛАЁТГАН ЁШЛАР

Шу тариқа туман марказидан 10-15, вилоят марказидан қарийб 60-70 километр узоқдаги маҳалламизда замонавий таълим маскани очдик. Мақказимизда 6 та доимий иш ўрни яратилган. Унда 500 дан ортиқ ёш турли йўналишларда таълим олмоқда, — дейди "Star up" ўқув маркази раҳбари Хонзода Турдимуродова.

Жарқўрғон туманидаги яна бир ибратли мисол Жўрабек Ҳайитовнинг тадбиркорлик фаолиятидир. Тижорат банки томонидан Жўрабек Ҳайитов ва унинг турмуш ўртоғига 1 миллиард 200 миллион сўм кредит ажратилган эди. Бу маблағ ҳисобидан тумanning Кўштепа маҳалласида мебелчиликка ихтисослаштирилган замонавий ҳақ ташкил этилди. Ҳозир корхонада 30 дан ортиқ турдаги мебель ишлаб чиқарилиб, бозорларга мунтазам етказиб берилмоқда.

Бундай мисоллар ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати амалда қандай самара бераётганининг яққол далилидир. 1 миллиард 200 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобидан ташкил этилган мазкур цех туман саноати учун юқори самарали инвестиция лойиҳаларидан бири ҳисобланади. Лойиҳа доирасида 10 та янги доимий иш ўрни яратилган. Ҳар бир иш ўрнига ўртача 120 миллион сўм инвестиция тўғри келмоқда.



Агар корхона ишлаб чиқариш қувватидан тўлиқ фойдаланса, йиллик маҳсулот айланмаси дастлабки инвестициянинг 180-250 фойзигача етиши мумкин. Натижада корхона 3-5 йил ичида ўзини иқтисодий жиҳатдан қоплаш имкониятига эга бўлади. Биргина ишлаб чиқариш объекти нафақат аҳоли бандлигини таъминлайди, балки маҳаллий бюджетга солиқ тушумларини кўпайтириш, импорт ўринини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Бугун Жарқўрғон туманида қилинаётган ишларга назар ташлар эканмиз, ажратилган

ҳар бир кредит ортида янги корхона, янги иш ўрни, барқарор даромад манбаи ва энг муҳими, ўз келажакини ўзи яратётган ёшлар турганини кўрамиз.

Орзуларнинг манзили бўлмайди. Шу боис, у Сурхондарёнинг Ангор туманидаги чекка маҳаллаларида ҳам тугилaveraди. Ангорлик қизалоқ Нозима Рамазонава йиллар ўтиб жаҳонга машҳур университет аудиториясида ўтиришни тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак.

Инсонни юксалтирадиган омил унинг туртилган жойи эмас, орзуларининг қўлами. Бир

вақтлар маҳалла кўчаларида китоб кўтариб юрган қиз бугун Буюк Британиянинг илм-фан марказларидан бири — Бирмингем университетида тахсил олмоқда.

Бу ерда дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатидан келган ўн минглаб талаба илм олади. Нобель мукофоти соҳиблари, машҳур олимлар ва жаҳон миқёсидаги етакчи тадқиқотчилар айнан шу илм маскани билан боғланган. Нозима Рамазонаванинг Ангордан Буюк Британияга бўлган йўли самолётдан эмас, ишончдан бошланган. Ёшларга билдирилган ишончдан!

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Эл-юрт умиди" жамғармаси ана шундай иқтидорли ёшларга дунёнинг энг нуфузли университетлари эшигини очиб бермоқда. Бугун юзлаб ўзбекистонлик йигит-қизлар ушбу жамғарма орқали АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония каби мамлакатларда тахсил олмоқда. Минглаб ёшлар эса билим олиб, ватанга қайтиб, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшмоқда.

— "Эл-юрт умиди" жамғармаси бизга чинакам қанот бўлди. Бугун Ўзбекистон ёшлари келажакка мустаҳкам ишонч билан одимламоқда, — дейди Бирмингем университети талабаси Н. Рамазонава.

Нозима Рамазонаванинг қиссаси бир талабанинг муваффақиятигига эмас, балки Ангордан Буюк Британиягача чўзилган имкониятлар кўприги ҳақидаги ҳақиқатдир. Чекка маҳаллада улғайган қиз ҳам жаҳоннинг энг нуфузли университетларида ўқиши мумкинлигининг ёрқин далилидир. Баъзан бутун бир мамлакат тараққиёти катта биналар ёки рақамлар билан эмас, битта китоб кўтарган ёшнинг йўли билан ўлчанади. Чунки айнан улар эртанги кун бунёдкорликка, қўзланган юксак марраларимизни забот этишдаги ҳал қилувчи кучга айланади. Зеро, юрт келажакки бунёдкорлик руҳидаги катта орзулар қилаётган ёшлар қўлида. Бугун хорижда таълим олаётган, маҳалласида иш ўрни яратётган, жамиятга таълим нурини таратаётган навқирон авлод бизга ана шундай ишонч беради.

Сарвар ТЎРАЕВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири



2026 йил 13 август, 163-сон



Нигоҳ

ИЛМГА ЕТГАН ОЁҚ ҚАНОТГА АЙЛАНУР

ёхуд “миллий ғоя” деганда нимани тушунамиз?

“Энг сирли хилқат бўлмиш одамзод дунёга келган кунидан бошлаб яратиш, яшнатиш, ўзидан яхши ном қолдириш учун интилиб яшайди. Бу орзу-ниятларнинг ҳаммаси илм ва ҳунар орқали амалга ошади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз етакчиси бу икки муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Натижаларни эса ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.



Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Савол жиддий эди. Унга йўл-йўлакай жавоб бериб бўлмайдми, ахир.
— Шошманглар, бир ош ўйлаб олай...
— Йўқ, унақада табиий чиқмайдми, ўйла-масдан жавоб бераверинг, — деб шоширди биринчи қиз.
— Уэр, синглим, бу “Қайси хонанда сизга кўпроқ ёқади?” деган савол эмаски, шартта жавоб бериб кетаверсам. Сизлар бўлгуси журналист бўлсангиз керак? Мен ҳам журналистман. Келинг, шу саволга аввал ўзингиз жавоб бериб кўринг, бир эшитай-чи.
— Биз журналист эмасмиз, ҳуқуқшунослик бўйича ўқиймиз. “Миллий ғоя” фанидан жамоатчилик фикрини ўрганиш топшириғи бор.

учрашув ёдингиздадир. Ижтимоий тармоқларда футбол мухлислари қалбини ларзага солган самимий видеоларга тарқалди. Унда Колумбия терма жамоаси мухлислари гол ўтказиб юборилганидан кейин йиғлаётган ўзбекистонлик болакайни овултани акт этган. Маълум бўлишича, кичик мухлис ўйиндаги вазиятдан жуда таъсирланиб, кўз ёшларини тия олмаган. Шу пайт атрофида ўтирган колумбиялик мухлислар унга бефарқ бўлмай, болакайни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилган.

Улар бирдан “Ўзбекистон, Ўзбекистон!” дея ҳайқириб, болакайни овутиш билан бира-гунинг жамоасини ҳам қўллаб-қувватлади. Ўшбу самимий ҳолат стадион мухитини илқилик ва дўстлик кайфияти билан тўлдирган эди. Мазкур лавҳа қисқа вақтда дунё бўйлаб кенг тарқалди. Кўпчилик бу воқеани спортнинг ҳақиқий руҳи — меҳр, ҳурмат ва бирдамлик тимсоли сифатида баҳолади. Бир кечада ижтимоий тармоқларда омалашган ушбу ҳолат Ўзбекистон терма жамоасигача етиб борди. Футболчилар Исфандиёр Бегматов исми бу ёш мухлисни машгулотта тақдир қилиб, унга ўзларининг имзоси туширилган либос ва жамоа рамзи бўлган бўри ўйинчоғини совға қилди.

Бу ерда спортнинг ҳақиқий руҳи — меҳр, ҳурмат ва бирдамлик тимсоли ўз йўлига. Биз эътибор қаратмоқчи бўлганимиз ўзбекистонлик болакай миллий терма жамоа мағлубиятини ўз танасида ҳис қилиб, кўз ёши тўкканидир.

Бор-йўғи шу!
“Миллий ғоя деганда нимани тушунамиз?”



— Сўровномани анкета шаклида ўтказсангиз яхшироқ бўларди. Бу саволнинг жавобига мушоҳада билан ёндашган маъқул.

Хуллас, бўлгуси ҳуқуқшунослар билан мулоқотини қовушмади, мен йўлимда давом этдим. Аммо ўшандан бери аён-аён ўйланиб қоламан: “Миллий ғоя деганда нимани тушунамиз?” деган саволга бафуржа қандай жавоб берган бўлардим?

Жорий йил футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати гуруҳ баҳслари доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Колумбияга 1:3 ҳисобида имкониятни бой берган



ҳазил йўсинида сунъий интеллект билан ишлаш, ундан фойдаланиш борасида сабоқ беришини илтимос қилганим.

Кўникмаларимни синовдан ўтказишнинг айнаи фурсати, дея ушбу мавзуда сунъий интеллектга мурожаат қилдим. Қани, у нима деркан? Мана унинг жавоби:

“Миллий ғоя тушунчаси муайян миллат ёки халқни умумий мақсад, қадрият ва орзу-интилишлар атрофида бирлаштирувчи ғоялар тизимидир. У халқнинг тарихи, тили, маданияти ва маънавий қадриятларини ифодалайди; жамиятни ягона мақсад сари бирлаштиришга хизмат қилади; инсонларда ватанпарварлик, миллий ўзлик ва масъулият туйғуларини шакллантиради; мамлакатнинг тинчлиги, тараққиёти ва фаровонлиги учун муҳим маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

Қисқача таъриф: миллий ғоя — халқнинг миллий манфаатлари, орзу-мақсадлари ва қадриятларини ифодаловчи, уни эзгу мақсадлар сари бирлаштирувчи маънавий-мафкуравий тушунча”.

“Миллий ғоя деганда нимани тушунамиз?”

Тахририятимизнинг фаол муаллифлари орасида ҳуқуқшунослар ҳам талайгина. Улар орасида метродан чиқаришда мени сўровномага жалб қилмоқчи бўлган қизларнинг устози бўлиши ҳам мумкин. Бир ҳуқуқшунос акамиздан ёзаётган мақоламиз учун фикр сўрадим. У узоқ куттирмади — тез орада катта мақолага аризгулик ҳажмдаги жавоб келди. Мана, уни қисқартиришлар билан мақолага киритдик:

“Миллий ғоя ва мустақиллик бир-бири билан узвий боғлиқ. Мустақиллик миллий қадриятларини тиклаш, она тили, тарих, маданият ва аъёнларнинг асраш учун кенг имконият яратди. Миллий ғоя эса мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни тараққиёт ва фаровонлик сари йўналтиришга хизмат қилади. Унинг асосий мақсадлари: Ватанга садоқат ва фидойиликни кучайтириш; миллий қадриятларини асраш ва ривожлантириш; ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш; тинчлик ва миллатлараро товулликни таъминлаш; ҳуқуқий, демократик ва фаровон жамият барпо этиш.

Миллий ғоя — мустақилликнинг маънавий таянчи, мустақиллик эса миллий ғояни ҳаётга таъбиқ этиш учун муҳим асос. Уларнинг уйғунлиги мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қилади. Миллий ғояни ёш авлод шуурида шакллантириш ўғил-қизларда Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат, тарихий хотира, фуқаролик масъулияти ва келажака ишонч туйғуларини тарбиялаш жараёнини қамраб олади. Миллий ғояни шакллантиришда, аввало, оила муҳим ўрин тутди. Ота-онанинг Ватанга, миллий

аъёнларга ва жамиятга муносабати фарзанд тарбиясига катта таъсир кўрсатади.

Таълим муассасалари ҳам бу борада муҳим вазифани бажаради. Дарслар, маънавий-маърифий тадбирлар, тарихий обидаларга саёҳатлар, буюк аждодлар меросини ўрганиш орқали ёшларда миллий ўзликни англатиш ҳисси кучайтирилади. Шунингдек, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари ва интернет орқали ёшларга миллий ва умуминсоний қадриятларни етказиш муҳим. Айниқса,



замонавий ва қизиқарли контент орқали миллий тарих ва маданиятни тарғиб қилиш самара беради.

Миллий ғоя фақат назарий тушунча бўлиб қолмай, амалий фаолият билан уйғунлашиши керак. Ёшларни жамоат ишлари, волонтерлик, илм-фан, спорт ва ижодий лойиҳаларга жалб этиш уларда масъулият ва Ватан равақига дахлдорлик ҳиссини шакллантиради”.

“Миллий ғоя деганда нимани тушунамиз?”

Яна бир неча кундан кейин жонжон юртимиз мустақиллигининг 35 йиллигини нишонлаймиз. Байрам шукуҳи ҳозирданок кўнгилларимизда ҳукмрон. Бу сана нафақат тарихий воқеани эслаш, балки мустақиллик йилларида эришилган ютуқларини сарҳисоб қилиш, миллий ғоя ва миллий қадриятларни янада мустаҳкамлаш учун ҳам муҳим.

Мустақиллик ва миллий ғоя ўзаро узвий боғлиқ. Мустақиллик халққа ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий тил, маданият, тарих ва аъёнларини тиклаш имконини берган бўлса, миллий ғоя мустақилликни асраш ва унинг қадар-қимматини англашга хизмат қилади.

Бу икки муқаддас тушунчанинг уйғунлиги нимагадас акс этиши мумкин? Аввало, ватанпарварлик! Ёшларда Ўзбекистон тақдирига дахлдорлик ва Ватан равақи

зиммасига ғоят муҳим мажбуриятларни олган алоҳида мавзу. Энг асосийси, мазкур конституцийий нормалар нафақат Ўзбекистон ёшлари манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдирини учун ниҳоятда аҳамиятли.

“Миллий ғоя деганда нимани тушунамиз?”

Энг сирли хилқат бўлмиш одамзод дунёга келган кунидан бошлаб яратиш, яшнатиш, ўзидан яхши ном қолдириш учун интилиб яшайди. Бу орзу-ниятларнинг ҳаммаси илм ва ҳунар орқали амалга ошади. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз етакчиси бу икки муҳим масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Натижаларни эса ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз.

“Илмга етган оёқ қанотга айланур”, деган экан мавлоно Жалолиддин Румий. Бу нима дегани? Янги Ўзбекистонни қуриш XX аср — миллий уйғониш даври маърифатпарварлари йўли, улар илгари сурган ғояларга мос экани кўндек равшан. Зеро, жадидлар ўз даврида вазиятни тўғри англаб, бутун сайёҳаракатини шунга йўналтирган. Хусусан, мутафаккир Абдулло Авлоний мактаб ва мадраса, усули таълим ва тадрис ислоҳига катта куч сарфлаб “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир” деган.

Маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур” деган пурҳикмат фикрларига таянган ҳолда мустақиллик йилларида соҳани тубдан такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар малакаси ва маҳоратини ошириш бўйича бир қанча муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, кўрилган қатор чоратadbirlarнинг барчаси ёш авлоднинг маънавийлиги, маърифатлиги, она ватанга садоқатли, ёт оқимларга қарши тура оладиган, виждоний пок ва уйғоқ, имони бутун, ғурури қилиб тарбиялашга қаратилди.

“Миллий ғоя деганда нимани тушунамиз?”

Беш-олти йил аввал телеканаллар орқали бир видеоларга бот-бот кўзимиз тушарди. (Негадир охириги пайтда кўрмаймиз.) Менга жуда маъқул келганди. Мазмуни тахминан бундай: 5-6 ёшли қизалоқ кўча четига турган юк автомобилнинг лой сачраб, хиралашиб қолган давлат рақамидидаги миллий байроғимиз тасвирини қўли билан артиб, тозалайди. Аммо тепада — юкхонага ҳам каттароқ тасвири туширилган автотракс давомидидаги байроқ суратига қанча талпиниб, сакрамасин, қўли етмайди. Яқин атрофдан ўтиб кетаётган икки нафар ички ишлар ходими қизчанинг ҳаракатига қизиб, ёнига келади. Унинг илтимоси билан бири болани кўтариб олади. Қизалоқ бошидаги қалпоққасини шартта ечиб, юкхонадаги байроқ тасвири сиртинга арта бошлайди.

— Қалпоғинг кир бўлиб қолади-ку, нега бундай қиласан?

— Қалпоғинг кир бўлса майли, байроғимиз тоза турсин!

Қадр ортида Ўзбекистон халқ артисти Севара Назархоннинг Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтган “Улугимсан, Ватаним” қўшиғидаги оташин сатрлар янграйди. Лавҳа кўрган одамнинг юрагини қаҳқиртирадиган даражада бадийи савияга эга.

“Миллий ғоя деганда нимани тушунамиз?”



GAZETAДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган таъкилотлик жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРК” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан ўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.
29345 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРК” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусахҳих: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқини — 20:30 Тошпирилди — 23:20